

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 14 июн чоршанба  
Сотувда эркин нархда  
№ 113 (2410)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



## Она юрт бўйлаб...

(Кўмуш тала)

### ПИЛЛАКОРЛАР ЗАФАРИ

Қашқадарё вилоятининг пиллакорлари 1800 тонна ўрнига 1810 тонна пилла топшириб, шартномавий режани бажаришди. Усмон Юсупов, Бахористон, Қасби, Китоб туманлари пиллакорларининг эришган ютуқлари, айниқса, салмоқли бўлди. Вилоят бўйича ҳар кўпта уруғдан ўртача 47 килограммдан пилла олинди. Вилоятда пилла топшириш давом этмоқда.

(Ғола — 2000)

### МЕХАНИЗАТОРЛАР ҲАЁТИ СУҒУРТАЛАНДИ

Ғалла ўрими-йғимиси мавсумига бухоролик суғуртачилар ҳам ҳисса қўшишга қарор қилдилар. «Узагсуғурта» давлат акциядорлик суғурта компаниясининг Бухоро вилоят дирекцияси ўрими-йғимига қатнашаётган 441 нафар қўмушчиларнинг ҳар бирига 50 минг сўмлик, жами 22 миллион 50 минг сўмлик суғурта жавобгарлигини ўз зиммасига олди. Суғуртачилар мавсум олдида бахтсиз ҳолисалардан суғурталаш ишларини ўтказдилар.

Хамкорлик

### «КЕЙС» ТАШРИФИ

«Кейс» компаниясининг Гордон Уоллес бошчилигидаги вакиллари Самарқандга келдилар. Улар «Бунёдкор» куриш корхонасида бўлиб, корхонанинг моддий техника базаси, амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар билан танишдилар.

«Кейс» компанияси ҳар йили дунёнинг турли бурчакларида амалга оширилаётган 20 мингдан зиёд курилиш-монтаж ишларида иштирок этади. Компаниянинг Самарқанддаги курилиш корхоналари билан ҳамкорлик ўрнатилиши ният қилгани эса юртимизда ҳорижий сармоа ётқириш ва манфаатли ҳамкорлик учун қўлай шарт-шароит яратилгани билан боғлиқдир.

Учрашувда вилоят ҳокимилиги, саноат ва йўл курилиш корхоналари вакиллари қатнашдилар. «Кейс» компанияси вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида келишувга эришилди.

Таълим

### ЭКОЛОГИК МЕНЕЖМЕНТ

Тошкент Давлат иқтисодий университетига таълим жараёнида янги ўқув курсларини татиб этиш тадбирлари куриломоқда. Бунда чет эл илмий марказлари билан ҳамкорлик қўл келмоқда. Британия Кенгашининг бу борадаги ёрдами ҳам айтиб ўтиш лозим. Ушбу нуфузли кенгаш Англиядаги Ноттингем Трент университети билан биргаликда Тошкент Давлат иқтисодий университетига 55 минг АҚШ доллари миқдорига махсус грант ажратди. Бу маблағ олий ўқув юртида «Экологик менежмент» деб номланган янги йўналишдаги таълим жараёнини йўлга қўйиш имконини беради.



### ХАЛҚАРО СЕМИНАР

Республикамизнинг иқтисодий ривожланишида халқаро ҳамкорлик алоқалари тобора катта ўрнни тўймоқда. Ўзбекистонда ҳорижий инвестициялар, янги технологиялар тобора кўпайиб келимоқда. Яқинда Голландия, АҚШ ва Жанубий Корейнинг «Семинар веджетбл сидз» трансмиллий уруғчилик компанияси вакиллари иштирокда республикамизда сабзавотларни иссиқхона шароитида етиштириш мавзусида бўлиб ўтган семинар ҳам шу ҳамкорлик натижасидир.

Ҳорижий компания дастлабки машғулотни Тошкент вилояти Қибрай туманидаги «Лимончи» ширкат ҳўжалигинда ўтказди.

Трансмиллий компания вакиллари ҳўжаликда амалий мулоқот уюштирди, кейин унинг иссиқхоналарига помидорнинг Голландиядаги юқори ҳосилдор навларини тақдим этдилар. Экинларга «ёпишадиган» турли касалликларга қарши кураш тажрибалари бўйича ўзаро фикрлар алмашилди.

СУРАТДА: семинар иштирокчилари.

### ШАРТНОМАЛАР АМАЛДА

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Сув муаммолари институти илмий жамоаси Америка халқаро тараққиёт агентлиги билан ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтирмоқда. Тузилган шартномага биноан, илмий муассаса 10 минг АҚШ доллари миқдоридида электрон техникаларга эга бўлди.

Бундан ташқари, Америка гидрологлари уюшмаси билан ҳамкорлик шартномасига мувофиқ институт компьютер курилиши ҳамда техника асос-уқуналарига олишга эришди. Институт Халқаро банкининг 10 минг АҚШ долларига тенг бўлган кичик грантини ҳам қўлга киритди. Америка гидрологлари уюшмаси самарали ҳамкорлик натижалари учун Сув муаммолари институти ҳисоб ваарига 13 минг долларлик маблағ ўтказди.

«Халқ сўзи», Уза ва «Туркистон-пресс» муҳбирлари хабарлари асосида тайёрланди.



Жарқўрган тумани деҳқонлари бу йил 11215 гектарга пахтанинг «Оққўрғон-II» ва «Наманган-77» навиани эккан эдилар. Айни кунларда пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан хирмон кўтариши, яъни ҳосилни 33800 тоннага етказиш учун ҳозирдан замин тайёрлаш мақсадида астойдил меҳнат қилишмоқда.

Туманининг Тўхта Шобуров номи ширкат ҳўжалигида дала ишлари намунали ташкил этилган. Ҳўжалик ерлари 27 нафар фермер ва 67 оилавий пудратчига бўлиб берилгани қўл келмоқда. Ҳўжалик деҳқонлари бу йил ҳар гектар пахта майдонидан 34,4 центнердан ошириб ҳосил кўтаришни режалаштирилган. Шу кунларда ҳўжалик далаларида пахта қийғос гулга кирди.

СУРАТЛАРДА: механизатор Аллаберди Тилово; Тўхта Шобуров номи ширкат ҳўжалиги пахта даласида гўза қатор ораларига ишлов берилмоқда. Искандар ХЎЖАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

### ХАР ДАҚИҚА ҒАНИМАТ



## ТўЛОВ ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

Ҳисоб-китоблар механизмининг такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича кичик комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирликлар, идоралар ва тижорат банклари раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилиши Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Б.Ҳамидов бошқарди.

Йиғилишда вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди, ҳўжалик юртувчи субъектларнинг ўзаро ҳисоб-китоблари аҳолига, шунингдек, бюджетга тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишига баҳо берилди.

Унда бир қанча вазирликлар ва идоралар ўзларига тегишли корхоналарда тўлов интизомига риоя этилиши таъминлаш бўйича етарли иш олиб бормаётгани қайд этилди. Айни пайтда, айрим корхона ва ташкилотлар томонидан махсулот бериш, иш (хизмат) бажаришнинг амалдаги тартибини бузиш ҳоллари рўй бермоқда, натижада ҳўжалик юртувчи субъектларнинг бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бўйича қарздорлиги кўпайиб бормоқда.

Давлат солиқ қўмитасига махсулот бериш (иш, хизмат) курсатиш бўйича амалдаги қонунчиликка хилоф равишда иш юрифтаган ҳўжалик субъектларига доир материаллари тегишли чоралар қўриш учун қабул қилинган тартибда ҳўққини муҳофаза қилиш идораларига топшириш вазифаси юклатди.

Вазирликлар, идоралар ва тижорат банклари раҳбарларига дебиторлик-кредиторлик қарздорлигини қисқартириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини ошириш, ҳўжалик юртувчи субъектлар томонидан тўлов интизомига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш, олдидан ҳақ тўламадан махсулот бериш ва иш (хизмат) бажаришга йўл қўймаслик зарурлиги уқтирилди.

## «ПЕДАГОГИКА ФАНИ ХХІ АСРДА»

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий педагогика институтида «Педагогика фани ХХІ асрда» мавзусида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференция ўзМУ ректори академик Т. Долимов ва Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири С. Фуломовларнинг кириш ва табрик сўзлари билан очилди.

Анжуманда кадрлар малакасини оширишнинг замонавий йўллари, янги педагогик технологияни такомиллаштиришни психологик имкониятлари қозондан маърузалар тингланди. Айниқса, «Комил инсон муаммоси масалалари» юзасидан профессор С. Ғозиев томонидан қўлингиз маъруза қизғин баҳс-мунозараларга бўлди. Конференция ўз ишини шўёбаларга бўлинган ҳолда давом эттирди.

Гулшан РАҲМОН ҚИЗИ.

## Ўз қандай фикрда, замондош?

Хар бир мамлакат ва жамиятнинг куч-қудрати, аввало, шу мамлакат ва жамиятда яшайдиган одамларнинг маънавий етуқлиги, билим-маърифати, ягона миллий ўз, миллий мафкура билан қуролланиб, жипсланиб, бунёдкорлик ишлари билан шўғулланишидан иборат. Жамият эзгу, соғлом ғоялар асосида шакллансагина, одамлар рухланиб, ананк мақсад сари интиладилар. Мустақил тараққиётга, фаровон ҳаётга эришадилар.

Мухтарам Президентимиз И. А. Каримовнинг «Фидокор» газетаси муҳбири билан қилган сўхбати ана шу ҳақиқатни яна бир қарра еслатиш билан бошланган. Миллий истиқлол мафкураси ҳақида гапириш, бу мафкуранинг пойдевори, асосларини яратиш учун курашиш ҳеч қачон ўз долзарблиги, аҳамиятини йўқотмайди. Чунки дунё ҳозир тобора фикрлар, ғоялар, дунёқарашлар тўқнашуви майдонига айланиб бормоқда. Кимнинг ғояси, мафкураси кучли бўлса, ким хушёрроқ, гафлатга берилмасдан, атрофда нима бўлаётганини англаб етиб, тегишли хулоса чиқара олса ва бундан ўз халқи, ўз юртига нима зарар келишини билиб олса, бу курашда ўза енгич қиқади. Зеро, ҳар бир ғоя тағида манфаат ётади, сиёсий

гадиллик китобини яратиш, ёшларга бу ўлмас фалсафанинг моҳиятини тушунириш вазифасини қўймоқда. Чинданам, Шарқ ҳикмат ва донишмудомномалар жуда кам. Айниқса, ижтимоий фанлар ва хусусан, фалсафа соҳасида бу ананк қўрииб турибди. Шу бос Президентнинг бу соҳа

## Йўлимизни ёритувчи таълимот

мандлик қони. Қани энди бизнинг китобхоналар ҳам Румий, Ибн Арабий, Ибн Халдуни, Ибн Рўшд, Абу-бақр Розий, Фахриддин Розий, Абуансур Мотуридий асарларини ўз тилида ўқисалар. Ватандошимиз, Қаршида туғилган Шайх Азизиддин Насафийнинг «Комил инсон» (202 рисоладан иборат) китоби дунёга машҳур. Улуғ олим инсон ахлоқини поклаш ва камолга етказишнинг бутун бир концепциясини яратган. Аммо бизнинг халқимиз бундан бебахра. Бу бир мисол. Унлаб ана шундай алломаларимиз

## асарлари тадқиқини қўтиб турибди.

Баҳоуддин Нақшбанд таълимотини олинг. Бу дини исломни ҳаёт билан, жамият билан, тараққиёт билан боғлаб боитиш таълимоти. Улуғ шайх мустаҳкам иймон билан руҳий-маънавий тараққиётни, дунёвийлик ва динийликни бириштириб, инсонларни ҳақ йўлига бошлаган эди. Бу бизга ибрат эмасми? Бундай И. А. Каримовнинг асосларини баён этди. Бу мураккаб жараён, аммо замонга, даврга жаовоб берадиган, халқимизнинг ички олами, табиатидан келиб чиқадиган энг тўғри таълимот негизидир. Бу таълимот халқимизнинг асрлар давомида шаклланган муқаддас туғилуларига асосланади. Шу бос ҳақ суҳбатга «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасини ишонаман», деб сарлавҳа қўйилган.

Зеро, етти ўлмач бир кесадиған, қамбарнинг минг йиллар ҳикматини қалбида жойлаб олган адолатпарвар, ҳақиқатлардан халқимиз ҳам ўз йўлбўчишига чўқур ишонч билан қарайдди, унинг таълимотини ёрғ қалажакка олиб борадиган таълимот деб биларди.

Нажмиддин КОМИЛОВ.

## Янги ўқув йилига йўлланма

Мамлакатимизда ҳар бир янги ўқув йилига ҳозирлик тадбирлари ҳўқуқимизнинг республика олий таълим муассасаларига қабул масаласига доир махсус қарорларидан бошланиши аниқ бир аниқлаш берилган. Бундай қарорни кенг жамоатчилик ҳар йили алоҳида бир қизиқиш билан қўтиб олади. Бу қизиқиш ҳўқуқимиз қароридан курсатилган олий ўқув юртига умумий қабул сонининг миқдори тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш эҳтиёжидангина туғилган дейиши, масалани бир ёқлама талқин қилиш бўлур эди. Муҳими шундаки, олий таълимга қабул масаласига бағишланган ҳўқуқимиз қарорларида ўқишга қабулнинг мустақил тараққиётимизнинг энг муҳим эҳтиёжларига асосланган янги ҳаёт шарт-шароитлари, кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган стратегик мақсадлар негизда таълим ислохотига замон талабларидан келиб чиқиб бағишланган янги йўналишлар, кадрларга талабнинг янги мезонлари каби муҳим масалалар ҳам ўз ифодасини топади. Ҳўқуқимизнинг яқинда эълон қилинган «2000-2001 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги Қарори ҳам айнан шу жиҳатларига қўра муҳим аҳамиятлар.

Ушбу Қарорнинг биринчи моддасида жорий ўқув йилида бакалаврлар тайёрлаш масаласи қўйилган. Бу йил бакалаврлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 49500 квотага белгиланган. Утган йили олий ўқув юртига 43653 та бакалаврлик ўрнига талабалар қабул қилинган эди. Қўрғини таърифимиз, жорий йилда 5847 нафар қўл бакалавр қабул қилинади. Бу сўнгги йиллардаги энг йирик қўлларидир. Сабаби, бундай даражадаги кадрларга ҳаётда эҳтиёж охиб борапти. Масалан, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хўнар коллежларини замонавий малакали педагогик кадрлар билан мустаҳкамлаш таълим ривожининг ўткир эҳтиёжига айланди. Ҳудди шундай сабаб бакалавр кадрлар тайёрлаш миқдорини ҳам оширишга олиб келаяпти.

Яна бир мулоҳаза. Жорий йилда тўлов-контракт шаклида қабул квоталари 29700 та этиб белгиланди. Бу эса белгиланган давлат грантига нисбатан (19800 та) деярли бир ярим баравар кўпдир. Хатто утган йилга нисбатан (21814 та) тўлов-контракт шаклидаги квота 7886 тага оширилган. Бунинг асосида нима ётади? Бунинг сабаби шундаки, бакалавр кадрларга ҳаётининг бошқа соҳаларида ҳам эҳтиёж ўсиб борапти. Республикадаги ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлардан бакалавр кадрларга тўшаётган буюртмаларнинг бу йил сезиларли даражада қўпийи тўлов-контракт шаклидаги олий таълимга қабул миқдорининг ҳам кўпайтирилишига сабаб бўлди.

2000-2001 ўқув йилида магистрлар тайёрлаш бўйича умумий қабул квоталари 3600 та этиб белгиланган. Республикада магистр кадрлар тайёрлаш ишига катта маъсулият билан ёндашилмоқда. Утган йили Ватанимиздаги 61 та олий таълим муассасаларидан атиги 26 та сисадига энг муҳим мутахассислар бўйича магистрлар тайёрлаш тажриба та-

риқасида амалга оширилган эди. Бу йил уларнинг ёнига бир неча олий ўқув юртилари қўшилди. Масалан, мазкур ўқув йилида энг бор тиббиёт олий таълим муассасаларида магистратурага қабул амалга оширилмоқда. Шу сабабли бу йил ўтган йилдаги нисбатан магистрлар тайёрлаш миқдори ҳам 600 квотага кўпайтирилди. Қарорда магистр кадрлар тайёрлаш бўйича профессор-ўқитувчиларнинг талабаларга нисбатан 1/5 этиб белгилангани ҳам алоҳида диққатга сазовордир. Яъни, 5 нафар талабага битта профессор-ўқитувчи бириктирилиши магистр кадрлар тайёрлашнинг маъсулияти нақадар юксаклигидан далолат беради.

Бу йил тиббиёт олий таълим муассасалари қошидаги 8 йиллик олий малакали ҳамширалар тайёрлаш умумий қабул квоталари 200 та этиб белгиланган. Бу рақам ҳам ўтган йилдаги нисбатан 20 квотага кўпдир. Демак, бундай йўналишдаги юқори малакали мутахассисларга эҳтиёж ҳам аста-секин ошаяпти.

Ҳўқуқимиз қароридида яна муҳим бир нуқта ўзига алоҳида бир эътиборни талаб қилади. Бу — олий таълим муассасаларида Васийлик ва кузатув кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги қўрсатмалар. Ҳозирги бозор иқтисодий шароитида олий таълим муассасаларида бундай институтининг алоҳида ўрни ва мақоми бор. Васийлик ва кузатув кенгаши олий ўқув юртиларнинг мустақиллигини таъминлаш ва моддий базасини такомиллаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Қарорда талабаларга таълим кредитлари бериш ва қайтариш масаласи қўйилган. Бундай янги таърифимиз, жорий таълимга қабул амалиётига жорий қилинишининг ижтимоий-маънавий аҳамияти катта. Маълумки, тўлов-контракт имкониятига бунинг хоҳловчи абитуриентларнинг ҳаммаси мунассар бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолат эса айрим ёшларнинг руҳан эзтироб ҳақиқати сабаб бўлади. Моддий шундай экан, уларнинг бақланган кредитлар олиб ўзлари истган олий ўқув юртига қайтиб ўқиши, ўқини битирган, олинган кредитларини банкка муайян муддат ичида қайтаришларига имкон бериш олижаноб тадбирдир. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бу қўрсатмаси ёшларнинг олий таълим олишлари учун яна бир қўлай имкониятнинг юзага келишига сабаб бўлади ва ижтимоий адолат қонунининг рўёбига ҳижмат қилади.

Тўғри, бундай тадбирни амалга ошириш механизми ҳали пухта ишлангани керак. Бу эса муайян муддатни талаб қилади. Келгуси ўқув йилида унинг амалга оширилиши алоҳида таълимчиларга, Хуллас, жорий ўқув йилида республика олий таълим муассасаларига қабул тўғрисидаги ҳўқуқимиз қарори, ўзининг бутун моҳият эътибори билан кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни ички амалга ошириш, таълим бозорини шакллантириш, республика иқтисодийнинг олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда олий таълим муассасаларига иқтисодий ва қўб-иляти ёшларни танлаб олишдек эзгу мақсадга ҳизмат қиладиган йўлланмадир.

М. САҒАРОВ.





БРИГАДИРЛАР САРАСИ

Дилоромхон Муҳиддинова Балқич туманида тилга тушган даврда еттиклиридан. У бошқ...

Бригадада бу йил 52 гектар майдонда пахта, 14 гектар ерда боқоқчи дош етиштирилмоқда. Ғуза...

СУРАТДА: Балқич туманидаги «Намуна» ширкат хўжалиги 6-бригадаси бошлиғи Дилоромхон...

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ЭЪТИКОД ВА АХЛОҚ — МИЛЛИЙЛИК РАМЗИ

Вилоят телевидениеси орқали яқинда берилган эълонда бир элдошимиз ўзининг «Некс...

азалдан ота-боболаримизга хос саховатлилик, ҳинматлилик айналарининг қайта тутилишидан дараж деб баҳолашди. Ахир ҳамма вақт...

У кичкина боласи билан йул бўйида турган йиғинчи тақриф қилиб, машинасига миндирибди. Иссиққа кўп туриб қолганидан, деган экан. Уларни Шовотдан...

«Эй, инсон, — дейишди унга маҳалларга етказди, — асбалий йўлдан ўзингизни болаларингиз юради. Унинг шу оддаминг қиммати билан...

Муқаддас динимиз доимо йилмуно эътиқодликни, қаноатлиликни, ҳалолликни таълоқ этди. Омонатга ҳиёнат қилишни гуноҳи азиям ҳисобланади.

«Эй, инсон, — дейишди унга маҳалларга етказди, — асбалий йўлдан ўзингизни болаларингиз юради. Унинг шу оддаминг қиммати билан...

«Дилдор, улким ҳиёнатни йўқдир анинг, йўқ дин ангаким, амонати йўқдир анинг. Улғу шойр тасавуридаги «дилдор» олижаноб ва баркамол инсон. У ота-боболар айналарини шак...

«Дилдор, улким ҳиёнатни йўқдир анинг, йўқ дин ангаким, амонати йўқдир анинг. Улғу шойр тасавуридаги «дилдор» олижаноб ва баркамол инсон. У ота-боболар айналарини шак...

Мисол учун тадбиркор Назар Нуробоев кам даромадли икки оилага сийғир ҳадя этганида қўшилари бунӣ тўғри аниглашди. Бу...

«Сотим АВАЗ, «Жалқ сўзи» мухбири.

Ҳуқуқий кафолат

Хар қандай баҳада ҳам қилинган ишларнинг сарҳисоби келгусида амалга ошириллажак фаолият режаларининг тўғри тузилишига мустаҳкам замин яратяди. Бу...

Биз бугун республика хўжалик судларининг фаолиятига оид жорий йилнинг дастлабки 4 ойи давомидаги статистика маълумотлар юзасидан фикр юрймоқчимиз. Мақсадимиз ушбу йўналишдаги фаолиятни имкон қадар ўрганиш, ютуқларни оширмасдан, камчиликларни яширмасдан таҳлил қилишдан иборатдир. Баён этилган рақамларнинг миқёси ва салмоғини аниқроқ аниқлаш учун уларни ўтган йилнинг ушбу давридаги статистика маълумотлар билан қиёсладик.

Зеро, маълумотларни жонлантириш, бошқача айтганда, «статистика ойнаси»дан унумли фойдаланиш хар қандай шахсининг, ҳоҳ у ҳуқуқий бўлсин, ҳоҳ жисмоний бўлсин, боссаётган хар бир қадами билан солиштириб кўрсатиш имконини беради, бу эса, табиийки, ушбу шахсининг бундан кейинги ҳаёти-ҳаракатларини мухтасар этишда асосдир.

Хўш, 2000 йилда республика хўжалик судлариға асосан қайси тармоққа оид хўжалик юритувчи субъектлар мурожаат қилган? Ушбу даврда қайси соҳаларда қонун бузилишига йўл қўйиш ҳоллари ҳамон давом этмоқда? Йўл қўйилмаётган камчиликларни бартараф этиш юзасидан мазкур тармоқларда қандай тадбирларни амалга ошириш мақсадига мувофиқ?

Бизнинг фикримизча, даъво аризалари ёки ундириб берилган маблағлар микдорининг ошиши, умуман олганда, салбий ҳолат деб қаралиши лозим. Негаки, агар хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолиятларини қонун асосида ташкил этса, ҳалоллик уларнинг қўндалик турмуш тарзига айланса, хар қандай ҳолатда ҳам фирромликка жазм этмас, ҳар кимнинг манфаати бузилмайди ва ўз-ўзидан маълумки, бундай ҳолатларда ҳеч қимда «судлаш»га эҳтиёж туғилмайди? Бирок «ўтиш даври» қийинчиликларнинг ўзининг фарзали мақсадларида фойдаланмоқчи бўлган нопок қимсалар қонуний ҳаракатлар асосида фаолият кўрсатаётган у р т д о ш л а р и м и з и н г ҳуқуқини ошмоқда эътиборга олинган. Республика хўжалик судлариға 13886 та даъво аризаси келиб тушганилигини, яъни бу кўрсаткичнинг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1421 та ошганилигини хўжалик юритувчи субъектларда судга бўлган ишончинг ортанглиги тарзидикина оқлаш мумкин, ҳолок. Негаки, мазкур аризаларнинг асл мазмун амалдаги қонунлар асосида хўжалик шартномалари тузган тадбиркорларнинг 40,9 миллион сўм ва 420 минг АҚШ доллари микдоридидаги маблағни ундириб бериш тўғрисидаги даъвосини аниқлашди.

Республика хўжалик судлари томонидан баён этилган аризалардан 10755 та мазмунан ҳал этилиб, даъвогарлар фойдасига 31,6 миллиард сўм ва 50 минг АҚШ доллари микдоридидаги қарзлар ва келтирилган зарарлар ундириб берилди. Бу кўрсаткич 1999 йилнинг дастлабки 4 ойи давомида 20,7 миллион сўм ва 1,2 миллион АҚШ долларини ташкил этганлигини ёдга олсак, «сохта тадбиркорлик»ни қобили остида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар сонининг, уларнинг жалб қилиш борасида олиб борилмаётган сисёатининг, чет эл валютасида олиб борилмаётган муомалалар тизимининг муҳамаллаштирилиши туфайли хўжалик юритувчи субъектлар томонидан талаб қилинган чет эл валютасидаги даъволар микдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 78 тадан 92 гага оширилганининг тўғри эканлигини кўрсатди.

Хўжалик судлари томонидан мазкур мақсадга қўндалик турмуш тарзига айланса, хар қандай ҳолатда ҳам фирромликка жазм этмас, ҳар кимнинг манфаати бузилмайди ва ўз-ўзидан маълумки, бундай ҳолатларда ҳеч қимда «судлаш»га эҳтиёж туғилмайди? Бирок «ўтиш даври» қийинчиликларнинг ўзининг фарзали мақсадларида фойдаланмоқчи бўлган нопок қимсалар қонуний ҳаракатлар асосида фаолият кўрсатаётган у р т д о ш л а р и м и з и н г ҳуқуқини ошмоқда эътиборга олинган. Республика хўжалик судлариға 13886 та даъво аризаси келиб тушганилигини, яъни бу кўрсаткичнинг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1421 та ошганилигини хўжалик юритувчи субъектларда судга бўлган ишончинг ортанглиги тарзидикина оқлаш мумкин, ҳолок. Негаки, мазкур аризаларнинг асл мазмун амалдаги қонунлар асосида хўжалик шартномалари тузган тадбиркорларнинг 40,9 миллион сўм ва 420 минг АҚШ доллари микдоридидаги маблағни ундириб бериш тўғрисидаги даъвосини аниқлашди.

Утган йили Самарқанд вилоятида 436450 тонна галла етиштирилиб, унинг 261115 тоннаси давлатга сотилди. Сугорилмайдиган майдонлар ҳосилдорлиги гектарига 41,3 центнерни ташкил этди. Даромад ҳам ишга яраша — 4441696 минг сўм. Шунинг 1584320 минг сўми соф фойдадир. Рентабеллик даражаси эса 26,9 фоизга ўсди.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда самарқандликлар галлаларнинг ҳосилида ўзига ҳос мақтаб яратилди. Бунӣ уруғчилик мисолида ҳам кўриш мумкин. Илгари галла уруғи асосан четдан олиб келинарди. Эндиликда бу му...

Хали таъкидлаганимиздек, жорий йилнинг ўтган вақти давомида жами 1703 та, шундан 1042 та кичик ва ўрта бизнес корхонаси, 480 та масъулия тасқиланган жамият, 25 та ҳиссадорлик жамияти, 2 та деҳқон-фермер хўжалиги тугатилган, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 250 тага ортган. Кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорликни ва деҳқон-фермер хўжалиқлари манфаатларини ҳимоя қилиб, жорий йилнинг дастлабки 4 ойи давомида деҳқон-фермер хўжалиқларининг 98 та даъво аризаси юзасидан 139 миллион сўмлик, кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг 444 та аризаси юзасидан 664 миллион сўмлик маблағлари ундириб берилди. Жумладан, Юқори Чирчиқ тумани И. Охунбобоев номида деҳқон-фермер хўжалиги ўтган йилнинг 2 февралда Ғазалкент консерва заводи билан 1999...

АДОЛАТНИНГ ТАЯНЧ НУҚТАСИ

йил ҳосилидан қишлоқ хўжалиги мақсулотларини етказиб бериш ҳақида шартнома тузган. Деҳқон-фермер хўжалиги ўз зиммасига олган мажбуриятларини ўз вақтида тўлиқ бажарганлигиға қарамасдан, Ғазалкент консерва заводи олинган мақсулотлар учун 1,5 миллион сўм пул маблағини тўлашни пайсалга солган. Тошкент вилоят хўжалик судининг қарори билан Ғазалкент консерва заводида И. Охунбобоев номида деҳқон-фермер хўжалиги 1,5 миллион сўм қарз ундириб берилди ва унинг бузилган мулкий ҳуқуқи тикланди.

Кейинги пайтларда Давлат ва ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг амалдаги қонунларга ҳос эътибори ва энг муҳими ушбу ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолиятига қандай зийн етказяётгани кўпроқ ўрғаётганини ачинарлик ҳолдир. Жумладан, республика хўжалик судлари жорий йилнинг дастлабки 4 ойи давомида Давлат ва ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий бўлмаган ва тадбиркорлар манфаатиға зид 36 та ҳужжатини ҳақиқий эмас, деб топти. Мисол тариқасида Самарқанд вилоят, Булунгур тумани ҳокимининг 1991 йил 25 октябрдаги 144/10-Ф сонли қарори билан «Сибё» фирмасининг рўйхатдан ўтказилганлиги ва унга аҳрайтилган 21,4 гектар ер майдонининг кейинчалик ушбу туман ҳокимлиги томонидан «Мингчор» жомоа хўжалигиға ўтказиб юборганлигини келтириш мумкин. Фақатгина Олий хўжалик судининг аралашувидан кейингина Булунгур тумани ҳокимининг сўнгги ноқонуний қарори бекор қилиниб, «Сибё» фирмасининг бузилган ҳуқуқи тикланди ва унга ер майдони қайтариб берилди.

Иктисодийни соғломлаштириш мақсадида судларимиз томонидан жорий йилда қорхонани банкрот деб эътироф этиш ҳақидаги 592 та хўжалик ишти қўрилиб, 457 та хўжалик юритувчи субъект банкрот деб эътироф этилди.

Президентимизнинг 1998 йил 4 март фармони билан хўжалик судлариға «хўжалик инзоларини кўриш ҳақида» жиноят аломатлари аниқланган ҳолатларда хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларига нисбатан жиноят ишлари қўзғатиш» ҳуқуқи бер...



ДЕҲҚОН КАТЪБИЯТИ

аммо ижобий ҳал этилган. Чўчки ҳозир вилоятда 50 та уруғчилик хўжалиги мавжуд бўлиб, 12 минг гектар майдонда уруғчилик галла парвари қилинапти. Жорий йилда маҳаллий ҳам уруғларидан 40 минг тоннасини бошқа вилоятларга сотиш режалаштирилган. Айни кунда бу майдонлардаги бўлиқ ҳосилдан куз қувнади.

Ғўри, бу йилги қўқламнинг қурғоқчи келиши оқибатида лалми майдонларда мўлжалдаги ҳоҳил битмади. Галлақорлар лалмикорликдаги йўқотишни сувли ерлар ҳисобидан қоплаш чора-тадбирларини қиладилар. Айниқса, занг касали пайдо бўлган, бегона ўт ва зарарли хашарот босган галлазорлар парваришиға эътибор қўйилди. Кимёвий воситалар ва ишлов бериш...

гранстар гербициди қўлланилди. Мутахассисларнинг фикрича, галла ўтган йилга нисбатан 15-20 кун олдин етилди. 111 та «Кейс», 520 та «Енисей» ва «Нива» русумли комбайн ўрим-йғим мавсумиға борвақт тайёрлаб қўйилди. Ҳозир улар унумли ишлатилапти.

Кейинги икки йилда вилоятда галлаларнинг ҳосилида туб бурилиш расалани ҳеч қимга сир эмас. Олиналган даро...

Абдурауф САТТОВА, «Жалқ сўзи» мухбири.

Берилган эди. Тадбиркорларнинг ҳуқуқий манфаатларини оқловчи хўжалик юритувчи субъектларни иккинчи ночор аҳволга келтирган 62 нафар мансабдор шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилган. Бундан ташқари, ушбу Фармон талаблари асосида мазкур давр мавбуйида 401 нафар шахс маъмурий, 350 нафар шахс моддий, 117 нафар шахс эса интисомий чорага тортилган, хўжалик юритувчи субъектларға етказилган мулкий зарарни қоплаш мақсадида 11,5 млн сўмлик жарима ва келтирилган моддий зарарлар ундирилди. Жумладан, «Фаргона сувқурилиш» бирлашмаси бошлиғи М. Шамсутдиновнинг хизмат вазифасиға совуқкорлик билан қараганлиги сабабли ушбу бирлашма бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан тузилган шартнома шартларини ўз вақтида бажар...

Адолатнинг қарор толиғи учун даъвогар ёки жавобгарнинг мулк шакли инобатга олинмайди, унга иккинчи томоннинг мулкий ҳуқуқиға зарар етказувчи бирор-бир имтиёз берилмайди. Қонун ҳамма учун, шомга ҳам, гадога ҳам баробар. Шундай экан, 2000 йилнинг дастлабки 4 ойи давомида қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиғи тизимига кирувчи 1885 та қорхонанинг жавобгар сифатида суд ҳарабига жалб этилиб, улардан даъвогарлар фойдасига 4,7 миллиард сўмлик маблағ ундириб берилганини ҳаққонийлик деб баҳо бериш мумкин. Бу кўрсаткичлар «Ўздавлатпахтасаноатотиш» давлат уюшмаси тизимига кирувчи қорхоналарда 324 иш юзасидан 4,7 миллиард сўмни ташкил қилган. Бу борда Деҳқон ва фермер хўжалиқлари асоциясининг деҳқон ва фермерларға ҳуқуқий ёрдам бериш амалиёти талабга бўлиқ жавоб бермаслиги аён бўлиб қолди. Негаки, мазкур уюшма тизимига кирувчи хўжалик юритувчи субъектлар бир марта даъвогар бўлганда 4 марта жавобгар ҳисобланган, бошқача айтганда, хўжалик судларида 98 марта даъвогар, 444 марта жавобгар сифатида иштирок этган. Мазкур камчиликларнинг юзига келишиға ушбу тизимга тегишли хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларида ҳуқуқий маданиятнинг паслиги, шартномада белгиланган талабларни чуқур англамаслиги, олиналган мажбуриятларни бажариниш ҳақиқий имкониятларини ҳисоб-китоб қилмасдан шартнома тўзатишнинг сабаб бўлмаганими? Йўқса, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 1,1 миллиард сўмлик 442 та, «Ўздавлатпахтасаноатотиш» давлат уюшмасининг 169 миллион сўмлик 112 та, Деҳқон ва фермер хўжалиқлари асоциясининг 257 миллион сўмлик 114 та жавобгар қорхоналарда даъвогарлар томонидан шартномаларда кўрсатилган пул маблағларни тўланган бўлса-да, белгиланган мақсулотларни етказиб беришға оид шартномаларни бажармасдан қолганини қандай изоҳлаш мумкин? Назаримизда, хўжалик судлари фаолиятидаги эришилган ютуқлар мустақил Ватанимиз қувватин улкан зафарларининг ажралмас бир парчаси, бу парча бузилган ҳуқуқий манфаат тикланган хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳам, таъбир жоиз бўлса, эндигина оёққа тураётган тадбиркорлар учун ҳам келгуси фаолиятини таянч нуқтаси тарзида қадрли бўлиб қолгай. Таянч нуқтасининг тўғри танилиши эса хар қандай мақсадга эришишнинг энг мақбул усулидир.

Ҳар қандай қарор ижроси билан қилиб. Ижроси ўлда-ҳўлда ётган ҳужжат ҳеч қачон ўз самарасини бермаслиги барчаға аён. Республика Президентининг хўжалик судлари қарорлари ижросини таъминлашни қўчайтиришға қучли туртки бўлган 1997 йил 5 февралдаги Фармони хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳам, сул фаолиятиға дахлдор барча идоралар учун ҳам дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Утган йилнинг дастлабки тўрт ойи давомида хўжалик судларининг суд ижроичилари томонидан суд қарорларини бажаришдан бўйин товланган 1613 та жавобгарнинг 1,2 миллиард сўмлик қарзи мажбурий тарзда даъвогарларға ундириб...

М. АБДУСАЛОМОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг раиси.

# Жўш ураётган ФУРУР

Алло, Сидней!

Не бахти, Мустақиллик спорт соҳасида ҳам булоқлар кўзини очди. Янги-янги юлдузларни кашф этди. Бир пайлар юзини кул босандек милтираб турган ўша юлдузларни бугун жаҳон олқишламоқда. Уларга таъ бермоқда. Улар ўзбек номини, Ўзбекистон обрусини тобора юксалтирмоқда.

Хар қандай спортчи соҳага кириб келишдан бошлаб Олимпиада ўйинларида қатнашиш ва голиб бўлишни дилга тугади. Зеро, Олимпиада барча мусобақалар гултожи саналади. Унда эришилган муваффақият нафақат ақса спортчининг, балки бутун бошли мамлакатнинг ютуғи, халқаро майдондаги обрўсидир.

Ана шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда республика Президентининг «Ўзбекистон олимпиада ҳаракатини янада ривожлантириш ва мамлакат спортчиларини Сидней

бўлашувларда голиб чиқди. Мухаммадқодирга мусобақанинг энг мохир боксчиси соврини ҳам топширилди. Уша йили Тошкент шаҳрида бокс бўйича Осиев чемпионати ўзбекистонлик «чарм кўлқоп» усталарининг катта устунилигида ўтди. Хамюртларимиз кўлаб олтин медалларни кўлга кириштириб, барчани лол қолдирди. Мухаммадқодир Абдуллаев ҳам 63,5 килограмм вазда барча рақиблирини мағлуб этди. Бу ютуқ ҳеч кимга тасодиф бўлиб туолмади. Чунки 1997 йили Будапештада ўтказилган бокс бўйича жаҳон чемпионатида улар ўзларининг ҳар томонлама маҳоратли спортчи эканликларини намойиш этган эдилар. Утган йили Хьюстон (АҚШ)да бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида бирдан икки нафар боксчи — Мухаммадқодир Абдуллаев (63,5 кг) ва Уткир Хайдаров (75 кг.) олтин медални, Тўлқин Турғунов (57 кг) эса кумуш медални кўлга киритишди. Жаҳон чемпионларини Юртбошимиз бағрига босиб, гурур билан бағирганда спортчиларнинг бошлари осмонга етди. Бу лаҳза Уткир ва Мухаммадқодирнинггина эмас, барча ўзбекистонликлар қалбида муҳралиб қолди.

Озод БЕК, Тўлқин СИДДИК.

— Бундай оламшумул Фармон ҳам, давлатимиз раҳбарининг шахсан ўзи биз спортчилар тўғрисида бунчалик гамқўрлик қилиши ҳам барчамизни тўлқинлантириб юборди. Билганимизда куч жўш урмоқда, — дейди Мухаммадқодир. — Хозирроқ Ватанимиз байроғи остида рингга чиқишга тайёриқ. Албатта, бу катта миқдордаги пул учун эмас, балки халқимиз шайни, миллатимиз гурури учундир. Уйлаймиз, Президентимизнинг шунчалик ишончига яраша Сиднейдан медаллар билан қайтамиз. Ўзбек боксчилари тасодифан жаҳон чемпи-

они бўлмаётганини яна бир қара исботлаймиз. М. Абдуллаев Андижон шаҳридаги «Олимпиада ўринбосарлари» республика мактаб-интернати, кейинчалик билим юртида ўз маҳоратини сайқаллаштирди. Энг қийин пайтларда ҳам боксини ташламади. У жаҳон рингидеги ўзини кўрсатишга, Ўзбекистон номини дунёга танита олишига қаттиқ ишонарди. Билим юрти бокс мураббийлари — эндиликда жаҳонга машҳур устозлар Марс Кўчқоров, Александр Размахов, Валентин Золотарев ёш йигитнинг орзулари рўёбга чиқишига катта ҳисса қўшдилар. 1994 йили Хиросима шаҳрида (Япония) ўтказилган Осиев ўйинларида М. Абдуллаевнинг иштироки катта воқеа бўлди. Орадан икки йил ўтган, у Атланта (АҚШ)да ўтказилган Олимпиада иштироки билан 1998 йил спортчиларимиз учун юксалиш йили бўлди. Бангкок (Таиланд)да ўтказилган XIII Осиев ўйинларида 3 олтин, 4 кумуш ва 1 бронза медалларини кўлга киритишди. Мухаммадқодир Абдуллаев 60 килограмм вазн тоифасида биринчи ўринни эгаллади. Шу йили у Хитойда ўтказилган бокс бўйича жаҳон кубоғи учун

# МАЙДОН АЖОРАТ АТОНАТ



4 ўрин (1996). Аммо ана шу спортчи маълум сабабларга кўра Тошкентга кела олмади. Сапех WTA Tour директори Клэр Вуднинг айтишича, бундан олдинги турнирда олган жароҳати тузалмагани боис

Зеро, бу баҳс ҳам уч сет давом этиб, аввалига 5/7 ҳисобда мағлубиятга учраган Фатхиддинова қолган икки сетни кўтаринки рунда ўтказди (6/3, 6/3) ва кейинги босқичга йўл олди.



Е. Бовина (Россия) ва А. Бахманн (Германия) беллашувидеги икки сетда (6/2, 6/1) Еленанинг қўли баланд келди.

Шунингдек, кеча хамюртларимиз Ирода Тўлаганова, Комила Дадақўева ва Лилия Биктёковалар ҳам қорғат тушишди. Уларнинг натижалари билан кейинги чиқишларимизда танишасиз.

О. РАЖАБОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

# КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

Авал хабар қилганимиздек, пойтахтимиздаги «Динамо» теннис кортларида аёллар ўртасида «Tashkent open-2000» халқаро турнири бошланди. Унда дунёнинг 30 га яқин мамлакатидан кўлаб катта ракетка усталари голиблик учун баҳс юритмоқдалар.

«Tashkent open-2000» да қатнаша олмаёт. Бу эса «Tashkent open-2000» халқаро турнири бошланди. Унда дунёнинг 30 га яқин мамлакатидан кўлаб катта ракетка усталари голиблик учун баҳс юритмоқдалар.

Бешинчи бор ўтказилаётган Тошкент турнири йилдан-йилга энг нуфузли мусобақалар қаторидан ўрин ола бошлагани сайин юртимизга тобора кучли теннисчилар ташриф буюришмоқда. Бу галги беллашув иштирокчилари рўйхатидан дунё теннис таснифида 12 погонани банд этган германиялик Анке Хубер ҳам жой олган эди.

Ушбу катта ракетка устаси ўз фаолияти давомида WTA Tour таснифига кирувчи 11 та турнирда голиблик наҳидасини сурган. Рейтингдаги энг юқори кўрсаткичи

Ушбу катта ракетка устаси ўз фаолияти давомида WTA Tour таснифига кирувчи 11 та турнирда голиблик наҳидасини сурган. Рейтингдаги энг юқори кўрсаткичи



# БЕҲЗОД ИЗДОШЛАРИ

Қариш Давлат санъат билим юртининг мусавирлик бўлимида турли шаҳар-қишлоқлардан келган 80 дан ортиқ йилми-қиз тасвир олмақда. Бу ерда пухта билан бериш, касб сирларини мукамал ўргатиш борасида кўнгидагидек таълим тартиби жорий қилинган.

Шу бос бўлажак мусавирлар ёшлар ўртасида бўлиб ўтаётган вилоят ва республика конкурсларида фаол иштирок этиб, юқори ўрин соҳиблари бўлаётганлар.

СУРАТДА: нақошлик ўқитувчиси (ўнгла) Бахтиёр Қурбанов талаба Ёрқин Абдураҳмоновга нақб сирларини ўргатмоқда.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎЗА) олган сурат.

# Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 13 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғжона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қиймати қийматини белгилади.

1 Австралия доллари	144,81	10 Люксембург франки	58,03
1 Австрия шиллинги	17,01	1 Малайзия рингити	64,87
1 Англия фунт стерлинги	370,58	1 Германия маркиси	119,68
10 Бельгия франки	58,03	1 Польша злотийси	55,78
1 Голландия гульдени	106,22	1 СДР	328,05
1 Греция драхмаси	7,00	1000 Туркия лириси	0,40
1 Дания кронаси	31,36	1 Финляндия маркиси	39,37
1 БАА дирҳами	67,11	1 Франция франки	35,69
1 АҚШ доллари	246,48	1 Швейцария франки	149,74
1 Миср фунти	71,50	1 ЕВРО	234,08
10 Испания песети	14,07	10 Жанубий Корея вони	2,21
100 Италия лириси	12,09	10 Япония енаси	23,06
1 Канада доллари	167,28	1 Россия рубли	8,72
1 Хитой юани	29,78	1 Украина гривнаси	45,32

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

# Тошкентдаги омборхонадан

# Россияда ишлаб чиқарилган турли хил АККУМУЛЯТОРЛАР ВА ЭКСКАВАТОР (ЭО-3323) сотилади.

Махсулотлар учун кафолат берилади.

Тел./Факс: 78-31-11; 78-76-87.

# Хурматли юртдошлар, олис ва яқин хорижлик хонимлар ва жаноблар!

# «ЎзОлмонХотелз» қўшма корхонасининг Хоразм филиали

Сизларни афсонавий Хива — олис ўтғин усталарининг олтин қўллари билан барпо этилган ва ўз тароватини сақлаб қолган бу феунокор шаҳарни тўғри қилишга таклиф қилади.

- Биз, шунингдек:
- Кўҳна Урганч, Тупроққалъа ва бошқа шаҳарларга экскурсияларга;
  - Амударё бўйидаги тўқайзорда жойлашган оромгоҳ дам олиш масканидаги кўлда чўмилиб, қумда товланишга;
  - Қорақум, Қалажик кўлига, балиқ овига;
  - Фольклор дастасининг бетакрор концертларига, кўчқор ва хўролар жанги томошаларига таклиф қиламиз.

Сизнинг Хоразм диёрига саёҳатингиз бир умрга унутилмас хотира бўлиб қолиши учун биз ҳамма шариоатларни яратамиз, қадимий ўлкамизнинг ажойиб-ғаройиб жиҳатлари билан таништирамиз, барча хизмат турлари муҳайё бўлади. Шинам ва қўлай меҳмонхона, замонавий транспорт воситалари, ўхшаши йўқ ресторан хизматингизда бўлади. Тажрибали йўлбошловчи ва таржимонлар ҳар бир хоҳишингизни бажаришга мунтазир. Хоразмга саёҳат қилинг — доғда қолмайсиз!



Бизнинг манзилимиз: Урганч ш., Ал-Беруний к., 2, «Хоразм» меҳмонхонаси. Телефон: (362) 226-56-66; 226-31-71. Факс: 226-76-80.

# Премикслар уй ҳайвонларининг соғлиғини, махсулдорлигини юксалтиришга ва озуқаларни сезиларли даражада тежашга мўлжалланган.

**ZOOMIX-A**

**ZOOMIX-B**

**ZOOMIX-C**

**ZOOMIX-A** — премикси қора мол, от ва қўй-эчкиларга мўлжалланган. Премикс бузоқларда 20-25% га вази ортишини ва сигирларда 15-29% га сут кўпайишини таъминлайди.

**ZOOMIX-B** — паррандаларнинг премикси бройлер жўжаларда 60-80% га вази ортишини ва тухум қўвчи товуқларда тухумдорлик 20-25% га ошишини таъминлайди.

Махсулотларимизни сотиб олинг! Даромадингиз ошмишига кафолат берамиз!

Ишлаб чиқарувчи: VETIL FARMA Ltd. Манзил: Тошкент ш., А. Қодирий к., 7-уй, 514-хона. Тел: 144-20-12, 144-20-13. Факс: 144-16-94.

С. Қ. Исломбаев номли «Ўзкимёфарм» ОХЖ ИСТАЛГАН МИҚДОРДА махсулотлари кенг ассортименти. ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ.

Дори-дармон воситаларини сотиш билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахслар эътиборига!

# «ЎЗКИМЁФАРМ» ОХЖ

Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятлар амборлари орқали энг зарур тиббиёт воситалари рўйхатидаги дори-дармонларни таклиф этади, шунингдек, бошқа дори препаратларини етказиб беради.

Тўлов шакли — «Ўзкимёфарм» ОХЖ ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан.

Нархлар келишувга биноан пасайтирилиши мумкин.

Дори воситаларини сотиб олиш масаласи бўйича батафсил ахборотни қуйидаги телефон орқали олиш мумкин: (99 871) 56-71-68. Факс: 56-71-67; 56-60-59. Манзил: Тошкент ш., Т. Шевченко кўч, 23 (мўлжал — Шимолий вокзал атрофида).

# «ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

# Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
- М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
- Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
- С. ЗИНИН,
- М. МИРАЛИМОВ,
- С. МУҲИДДИНОВ,
- Ш. РИЗАЕВ,
- М. САФАРОВ,
- Р. ФАҲХОДИЙ,
- И. ХУДОЕВОВ,
- И. ШОҒУЛОМОВ,
- О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
- Ҳ. ҲОШИМОВ.

# БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
- Ҳуқуқ — 136-07-94;
- Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
- Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
- Хатлар — 136-29-89; 133-07-48;
- Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
- Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 133-78-92;
- Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
- Котибият — 133-10-28;
- Эълонлар — 136-09-25.

# Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 516, 22228 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерда терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — А. ҲАЙДАРОВ. Навбатчи — Б. ОСТАНАКУЛОВ. Муасхих — А. САТТОРОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахрирда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилади — 21.10

1 2 3 4 5 6